

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ  
ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**486** Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2616*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 31 июлдаги ПФ-4639-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдори-ни ошириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ба-жариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузури-даги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўми-таси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар хо-димларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар ки-ритилиб, иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қат-нашувчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари 2014 йил 1 сентябрдан илмий ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари миқдорлари ўзгар-

ганлигини ҳисобга олиб иш ҳақларини қайта ҳисоблаб тўланишини таъмин-  
ласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2013 йил 31 декабрдаги 8, 90-қ/қ ва 117-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маб-  
лағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишлар-  
нинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тад-  
қиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим ма-  
ошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат  
рақами 2553, 2014 йил 8 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжат-  
лари тўплами, 2014 й., 2-сон, 29-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблан-  
син.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-  
ради.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва  
технологияларни ривожлантиришни  
мувофиқлаштириш қўмитаси раиси**

**Ш. САЛИХОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 10 сентябрь,  
6-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири**

**А. АБДУҲАКИМОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 10 сентябрь,  
22-Қ/Қ-сон

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 10 сентябрь,  
61-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва  
технологияларни ривожлантиришни  
мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва  
аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш  
вазирлиги ва Молия вазирлигининг  
2014 йил 10 сентябрдаги 6, 22-Қ/Қ,  
61-сон қарорига  
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари МИҚДОРЛАРИ**

| Т/р | Лавозимларнинг номи                                                                                          | Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм |
|-----|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------|
| 1.  | <b>Институт директори</b>                                                                                    |                                           |
|     | профессор                                                                                                    | 1 663 850,00                              |
|     | фан доктори                                                                                                  | 1 596 253,00                              |
|     | фан номзоди                                                                                                  | 1 529 025,00                              |
| 2.  | <b>Директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, институт ва бошқа илмий муассасалар филиалининг директори</b> |                                           |
|     | профессор                                                                                                    | 1 529 025,00                              |
|     | фан доктори                                                                                                  | 1 474 701,00                              |
|     | фан номзоди                                                                                                  | 1 408 725,00                              |
| 3.  | <b>Институтнинг илмий котиби, Илмий-тадқиқот лабораторияси (бўлими) мудири</b>                               |                                           |
|     | фан доктори ёки профессор                                                                                    | 1 474 701,00                              |
|     | катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди                                           | 1 408 725,00                              |
|     | илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди                                                                       | 1 354 768,00                              |
| 4.  | <b>Филиал ва бошқа илмий муассасалар директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари</b>                         |                                           |
|     | фан доктори ёки профессор                                                                                    | 1 408 725,00                              |
|     | катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди                                           | 1 354 768,00                              |
|     | илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди                                                                       | 1 300 507,00                              |

| T/p | Лавозимларнинг номи                                                               | Базавий лавозим<br>маошларининг<br>миқдори, сўм |
|-----|-----------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------|
| 5.  | <b>Бош илмий ходим</b>                                                            |                                                 |
|     | профессор илмий унвонига эга бўлган фан доктори                                   | 1 408 725,00                                    |
|     | катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан доктори                | 1 354 768,00                                    |
|     | илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори                                            | 1 300 507,00                                    |
| 6.  | <b>Етакчи илмий ходим</b>                                                         |                                                 |
|     | илмий унвонга эга бўлган фан доктори                                              | 1 354 768,00                                    |
|     | илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори                                            | 1 300 507,00                                    |
|     | илмий унвонга эга бўлган фан номзоди                                              | 1 236 324,00                                    |
| 7.  | <b>Катта илмий ходим</b>                                                          |                                                 |
|     | илмий унвонга эга бўлган фан номзоди                                              | 1 236 324,00                                    |
|     | илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди                                            | 1 172 873,00                                    |
|     | илмий даражага эга бўлмаган                                                       | 1 110 834,00                                    |
| 8.  | <b>Кичик илмий ходим</b>                                                          |                                                 |
|     | фан номзоди                                                                       | 1 172 873,00                                    |
|     | илмий даражага эга бўлмаган (2 йилдан ортиқ илмий фаолият тажрибасига эга бўлган) | 1 110 834,00                                    |
|     | илмий даражага эга бўлмаган (2 йилгача илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)      | 1 049 311,00                                    |
| 9.  | <b>Тажриба орттирувчи тадқиқотчи</b>                                              | 925 818,00                                      |